



## ИНСОННИНГ КРЕАТИВ ТАФАККУР ҚОБИЛИЯТИ БИЛАН ДОНИШМАНДЛИК ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК МЕХАНИЗМИ

*МАННАБОВ Абдухамид Абдимажитович*  
эркин тадқиқотчи

**Аннотация:** Ҳар қандай ҳодисанинг ўзига хос хусусиятини аниқлашда унинг тушунча сифатидаги ўрни ва мазмунини объектив келиб чиқиши, ривожланиши ва ана шу тадқиқ этилаётган тушунчанинг объектив ёки субъектив хусусиятга эга эканлигини аниқлаш лозим бўлади. Мақолада инсоннинг креатив тафаккур қобилияти билан донишмандлик ўртасидаги ўзаро алоқадорлик механизмига тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ҳодиса, хусусият, сифат, ривожланиш, креатив тафаккур, қобилият, донишмандлик.

Инсонни инсонийлигини ифодаловчи энг муҳим ижтимоий фазилатлардан бири ҳисобланган “креатив қобилият” ва “креатив тафаккур” тушунчалари инсонни юксак ижодий имкон соҳиби эканлигига далолат қилиши билан бирга, айни пайтда шахс мустақиллигини ифодаловчи энг муҳим белгилардан биридир. Шунинг учун ҳам инсонда креатив тафаккурни шакллантириш жараёнини ўрганиш, уни вужудга келтирган таркибий элементларни аниқлаш креатив тафаккур даражасини, ҳолатини ўлчовчи мезонларни яратиш, бир сўз билан айтганда, ижодий тафаккур ҳақида алоҳида таълимот яратиш барча даврларда ҳам педагог олимларни диққат марказида бўлиб келган.

Креатив тафаккур тушунчаси тарихий манбаларда турли хил маъно ва қарашларни англатиб келган. Бу тушунча икки хил хусусиятга эга бўлган сўзлар бирикмасидан иборат бўлиб, ўзида сифатийлик ва миқдорийликни мужассам этади.

“Креативлик” унинг сифатини билдирса, “тафаккур” эса фундаментал хусусиятини акс эттиради. Шунингдек, креативлик кенг маънода кишининг воқеа ва ҳодисаларнинг ўзига хос моҳиятини ижодий англашга асосланган фаолият ҳисобланади, креатив тафаккур эса инсоннинг ижодий тафаккурини назарда тутаяди. Кўриниб турибдики, юқоридаги таърифларда ҳам икки тушунча бир-биридан сифат ва миқдор жиҳатидан фарқланади.



Қадимги Юнон фалсафасида креативлик ижод манбаи эмас, балки ижоднинг ўзи, яъни ижодий феномендир. Тўғри Арасту (эр. авв. 384-322 йй.) ўз қарашларида “креативлик” ва “креатив тафаккур” тушунчаларини ишлатиб, бу икки терминни бир-биридан ажратишга ҳам ҳаракат қилган. Унинг фикрига кўра, “креативлик”- ижодий имкониятдан ижодий воқеликка ўтиш жараёни бўлса, “креатив тафаккур” мазкур жараённинг пировард натижасидир. Бироқ ажабланарли жойи шундаки, мутафаккирнинг кейинги мулоҳаза ва қарашларида ушбу хулоса ривожланмай қолган, бунинг устига ҳар иккала тушунча айнан бир-бирига ўхшаш, тўлдирувчи мазмунда ишлатилган. Арасту “Ижод ўз-ўзини англашдаги детерминаллашган фаолият бўлиб, у билимнинг янгидан-янги сифат кўрсаткичларини юзага келтиради” [1], - деб тушунтирган.

Креативлик мантиқий жиҳатдан ижодий тафаккурнинг ўзига хос шакли ёки ўзига хос усули бўлиб, бунда у кўпинча предмет ёки ходиса тўғрисида тўғри ижодий фикр юритиш, хулоса чиқариш, ижодий фикрлар изчиллигини таъминлаш каби вазифани бажаради. Креативлик ва ақл (интеллект)ни ажратиб талқин қилиш Сукротдан бошлаб, Афлотун, Арасту ва кейинчалик Кант, Гегель фалсафаларида ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Ижодий жараённи Афлотун “руҳланиш” ва “илоҳий куч” атамалари орқали асослашга интилади. Унинг фикрича, “Шоир санъати ва билими билан ижод қилмай, балки илоҳий қувватдан ижод қилади” [2].

Арастунинг фикрича, ижодий жараён инсоннинг субъектив фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Шу маънода, ижодий жараённи ақл ёрдамида ҳам билиш, англаш мумкин. Бундай муносабат Абу Наср Форобий қарашларида ҳам учрайди. Аллома фикрича, “Инсон моҳияти ақлда намоён бўлади” [3].

Абу Наср Форобий шоирлар мисолида: “Энди биз сенга айтсак, шоирлар чиндан туғма қобилиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўлади ва уларда ташбеҳ ва тамсилга лаёқати яхши ишлайдиган бўлади. Бу хил шоирлар шеър навининг кўп турида ё бўлмаса бир турида ижод қилишга лаёқатли бўладилар” [3] – деб бадиий ижоднинг аҳамиятини кўрсатган.

Дарҳақиқат, борлик ва йўқликни, ҳақиқат ва фикр дунёсини бир-биридан ажратиш ақлий тажрибани назорат қилиш имкониятини беради. У шунингдек,



воқеликдан ижодий ҳаёлни ажратишга, яширин нарсаларни муҳокамага олиб чиқишга имкон беради.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Зубов В.П. Аристотель: Человек. Наука. Судьба наследия. Изд.3. – М.: УРСС, 2009. – 368 с.
2. Платон. Избранные диалоги. М.: Художественная литература, 1965. С. 161.
3. Форобий Абу Наср Фозил одамлар шахри. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.-105 б.

